Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига келиб баъзи ишлар хақида гаплашди ва: «Маа шаа Аллоҳу ва шиъта», яъни, Аллоҳ ва сиз хоҳлагандай бўлибди», – деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мени Аллоҳга тенг қилдингми? «Ёлғиз Аллоҳ хоҳлагандай бўлибди», – дегин», – дедилар

Ибн Аббос разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига келиб баъзи ишлар хақида гаплашди ва: «Маа шаа Аллоҳу ва шиъта», яъни, Аллоҳ ва сиз хоҳлагандай бўлибди», – деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мени Аллоҳга тенг қилдингми? «Ёлғиз Аллоҳ хоҳлагандай бўлибди», – дегин», – дедилар.

[Санади Ҳасан] [Насоий «Ал-Кубро», Ибн Можа ва Аҳмад ривояти]

Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига келиб ўзига тегишли баъзи ишлар ҳақида гаплашиб: «Маа шаа Аллоҳу ва шиъта», яъни, «Аллоҳ ва сиз хоҳлагандай бўлибди», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу сўзни инкор қилиб Аллоҳ хоҳишига банда хоҳишини тенглаштириш кичик ширк ҳамда мусулмон бундай дейиши мумкин эмас эканини хабар бердилар. Сўнгра ҳақ сўзга йўллаб қўйдилар. У ҳам бўлса, ёлғиз «Маа шаа Аллоҳ», сўзининг ўзи. Хоҳишни ёлғиз Аллоҳга нисбат беради, унга ҳеч кимнинг хоҳишини, ҳеч қандай улаш сийғаси билан уламайди.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/5928